

**PAYARIQ TUMANLARARO  
IQTISODIY SUDI**

141300, Payariq shahri, Payariq  
50 yilligi ko'chasi, 4-uy



**PAYARIK INTER-DISTRICT  
ECONOMIC COURT**

141300, Payarik, Payarik  
50<sup>th</sup> Anniversary street, 4

Tel: (66) 425-17-35

[www.oliysud.uz](http://www.oliysud.uz)

e-mail: [lpayariq@sud.uz](mailto:lpayariq@sud.uz)

**Ўзбекистон Республикаси номидан  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

2023 йил 13 январь

Пайариқ тумани

4-1406-2201/3788-сонли иш

Пайариқ туманлараро иқтисодий суди судья Б.Х.Жураевнинг раислигида, А.Нормуротовнинг суд мажлиси котиблигида, даъвогар вакили Ш.Исоқулов (2023 йил 12 январь кунги №55-сонли ишончнома асосида)нинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг даъвогар "PAYARIQ YANGIYER TEKSTIL" масъулияти чекланган жамияти манфаатида жавобгар "ISMAILOV MAMASOLI DALASI" фермер хўжалигига нисбатан асосий қарз ва жаримани ундириш тўғрисида киритган даъво аризасини суднинг ўз биносида очиқ суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и :**

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси (бундан буён матнда Савдо-саноат палатаси деб юритилади) судга "PAYARIQ YANGIYER TEKSTIL" масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) манфаатида даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда "ISMAILOV MAMASOLI DALASI" фермер хўжалиги (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)дан 310560000 сўм асосий қарзни ва 26684000 сўм жаримани ундиришни ва ишни Савдо-саноат палатаси вакили иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган.

Иш муҳокамасининг жойи ва вақти тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисида ўз вакили иштирокини таъминламади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 170-моддаси 2- ва 3-қисмларига асосан ишни Савдо-саноат палатаси ва жавобгарнинг вакили иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд мажлисида сўралган даъвогар вакили ўз тушунтиришида, даъво талабини қўллаб-қувватлаб, суддан даъвони қаноатлантиришни сўради.

Суд, даъвогар вакилининг важларини муҳокама қилиб, иш материалларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъвони қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Аниқланишича, даъвогар (Буюртмачи) ва жавобгар (Хўжалик) ўртасида 2022 йил 30 апрелда №302-сонли "Пахта хом ашёси ва уруғлик пахта харид бўйича" фьючерс шартномаси тузилган.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)нинг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият



шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Шартноманинг 1.1-бандига кўра “Хўжалик” 2022 йил учун 34,4 тонна пахта хом ашёсини “Буюртмачи”га етказиб бериш, “Буюртмачи” эса ушбу маҳсулотни қабул қилиб олиш ва шартноманинг 4.1-бандига мувофиқ ҳақини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Шартноманинг 4.1-бандида асосан “Хўжалик” томонидан “Буюртмачи”га етказиб бериладиган пахта хом ашёсининг харид нархи 1 (бир) тоннаси учун 6 512 000 сўми ташкил этади.

Даъвогар томонидан шартнома шартлари лозим даражада бажарилган, лекин жавобгар томонидан шартномада белгиланган миқдордан кам пахта хом ашёси топширилганлиги натижасида пахта хосилига тўланган бўнак (аванс) ва терим пулларининг 310560000 сўми қоплаб берилмаган ва томонлар ўртасида солиштирма далолатнома тузилиб тасдиқланган. Ушбу ҳолат ишдаги ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топади.

Шу боис суд, даъвогарнинг 310560000 сўм асосий қарз ундириш талабини асосли бўлганлиги сабабли уни қаноатлантиришни лозим топди.

Бундан ташқари, даъвогар жавобгардан 26684000 сўм жарима ундиришни сўраган.

Шартноманинг 5.2-бандига кўра, шартномада белгиланган миқдорда ва ассортиментда, турлар бўйича муддатларда маҳсулот топширишдан асосиз бош тортганлиги учун “Хўжалик” “Буюртмачи”га топширилмаган маҳсулот қийматининг 30 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Жавобгар томонидан шартномада белгиланган миқдордан кам топширилган пахта хом ашёси миқдorigа нисбатан унинг қийматининг 30 фоизи, яъни 26684000 сўм миқдорида жарима суммаси миқдори тўғри ҳисобланган. Шартномада белгиланган миқдордан кам пахта хом ашёси учун жарима ундириш назарда тутилганлиги сабабли ушбу даъво талаби талаби асосли. Мазкур ҳолат ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан ўз исботини топди.

Лекин, ФКнинг 326-моддасига мувофиқ, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли эканлиги, бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олинishi керак. Суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга.

Бу ҳақда, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 163-сонли Қарорининг 4-бандида тушунтириш берилган.

Суд, мажбуриятни бажарилиш даражасини, неустойкани мутаносиблигини таҳлил қилиб, жарима ундириш талабини қисман, яъни 4100000 сўм миқдорида қаноатлантиришни, жариманинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.



ИПКнинг 118-моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

ИПКнинг 118-моддаси олтинчи қисмига кўра, агар даъвогар томонидан билдирилган неустойкани ундириш ҳақидаги талаб асосли бўлиб, бироқ унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқдан фойдаланилган ҳолда суд томонидан камайтирилган бўлса, суд харажатларининг камайтирилиши ҳисобга олинмаган ҳолда ундирилиши лозим бўлган неустойка суммасидан келиб чиққан ҳолда, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилиши лозим.

Шунга кўра суд, суд харажатларини тақсимлаш масаласини муҳокама қилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига олдиндан тўланган 24 000 сўм почта харажати ва Республика бюджетига 6744880 сўм давлат божини ундиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан, ИПКнинг 118, 128, 176-179, 184, 186, 192-моддаларини қўллаб, суд

### **қ а р о р   қ и л д и:**

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг даъво талаблари қисман қаноатлантирилсин.

"ISMAILOV MAMASOLI DALASI" фермер хўжалигидан "PAYARIQ YANGIYER TEKSTIL" масъулияти чекланган жамияти фойдасига 310560000 сўм асосий қарз, 4100000 сўм жарима ва олдиндан тўланган 24 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Даъво талабининг қолган жарима ундириш қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

"ISMAILOV MAMASOLI DALASI" фермер хўжалигидан Республика бюджетига 6744880 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бир ой муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози бўлган тарафлар ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

**Судья**

**Б.Х.Жураев**

